



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН КИССАВУРЛИКНИ ФОШ ЭТИШДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Адилов Мирсамад Агзамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тезкор қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: Ashurovotabekk990@gmail.com

Сайдиакбаров Асадбек Акмал ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

2-босқич курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11396686>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2024

Accepted: 25th May 2024

Published: 30th May 2024

KEYWORDS

Киссагур, киссагурлик, ўғри, ўғирлик, ўғирланган мол-мулк, тезкор бўлинмалар, худудий ички ишлар органлари, жиноятчиликка қарши курашиш тушунчаси, тезкор қидирув профилактикаси, назарий ва ҳуқуқий асослари, жиноий жавобгарлик, жазо турлари, жиноят қонунчилиги соҳасидаги ислохотлар, Конституциявий-ҳуқуқий асослари, қонун устуворлиги.

ABSTRACT

Мақолада киссагурликнинг тушунчаси, таҳлили, хориж тажрибаси, киссагурлик ҳолатининг қасддан содир этилиши билан боғлиқлиги, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан киссагурликка қарши курашишдаги илғор тажрибалар, киссагурликка қарши курашишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги, киссагурликка қарши курашиш бўйича ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимларининг амалий тажрибасини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

А С О С И Й Қ И С М. Фуқароларнинг шахсий мулкига қарши қаратилган жиноятлардан бири бўлмиш, ўғирлик жиноятининг бир тури сифатида киссагурлик яъни чўнтак ўғирлиги энг ижтимоий хавfli қилмиш яъни жиноят ҳисобланиб, чўнтак ўғирлиги (инлизча picking pockets - чўнтакларни тозалаш, чўнтакни шилиш, киссагур) деган

маънони англариб, ўзбек тилини изоҳли луғатида кассавур [форсча - халтани, кассани кесувчи] чўнтак ўғриси, кўча-кўй, бозор ва бошқа жойларда кишиларнинг нарсаларини ўғирловчи шахс деган маънони билдиради¹.

Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, жиноятлар профилактикаси, жиноятларни олдини олиш, содир этилган жиноятларни бартараф этиш, маҳкумларни тузалиш йўлига қайтариш каби тушунчалар ўзаро бир-бирига яқин маъноларда ишлатиладиган сўзлар сифатида қўлланилиб, ушбу тушунчаларни бир жумла билан айтилганда жиноятларни олдини олиш деган маънони англатади.

Кассавурлик ҳолатини аниқлаш деганда, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолиятининг усуллари, элементлари, куч ва воситалари асосида ИИВнинг соҳавий хизматлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга айтилади².

Кассавурликни фош этиш ҳамда уларга қарши курашиш юзасидан ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари ҳамда кичик тезкор ходимлари ва соҳавий хизматлар билан биргаликда сўров, маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув, шахсни айнанлигини аниқлаш ҳамда тезкор эксперимент каби тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган тезкор-қидирув тадбирларидан Сўров тезкор-қидирув тадбирини амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари асосида кассавурлик ҳолатини содир этишга мойил бўлган шахслар билан махсус тезкор профилактик суҳбатлар ўтказишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланиб, мақсад ушбу шахсларни жиноят жиноят содир этиш фикридан қайтаришдан иборат бўлган тадбирдир³.

Кассавурликни фош этишда энг асосийси маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбири ҳисобланиб, ушбу тадбирни ўтказишдан олдин сўров, тезкор кузатув каби тезкор-қидирув тадбири ўтказилиб, маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбиридан сўнг, тезкор эксперимент, тезкор текшириш каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Тезкор кузатув тадбирини ўтказишдан мақсад сифатида қонунда кўрсатиб ўтилганидек, “Тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида шахсларнинг ҳаракатларини, ҳодисаларни ва жараёнларни бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) ношкора кузатиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир” сифатида баҳо бериб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади⁴.

Кассавурлик жиноятларини фош этиш мақсадида авваломбор, ушбу жиноятларни содир этаётган шахснинг айнанлигини аниқлаш яъни, текшириляётган ёки қидирувдаги шахснинг шахсини идентификация қилиш ёхуд хусусий белгилари

¹ Rustam Nishonxo'jayevich Raximxo'jayev. (2021). Some aspects of quick-search activities. *Archive of Conferences*, 24(1), 38-39.

² Рахимхўжаев, Р. (2021). Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши. *Юрист ахборотномаси*, 2(3), 71-76.

³ Ашуров, О., & Тўйчиев, У. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришнинг истиқболлари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(4), 143-152.

⁴ Nishonkhujayevich, R. R. (2023). Some aspects of the legal regulation of the conduct of operational-search measures by the internal affairs bodies. *Innuc*, 2(2).

асосида аниқлашдан иборат бўлган тадбир сифатида биламиз. Яна шуни айтишни лозим деб биламизки, киссавурлик жиноятларини фош этишда энг асосий тезкор-қидирув тадбирларидан бири сифатида тезкор эксперимент тадбирини амалга оширишимиз мақсадга мувофиқдир. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда кўрсатиб ўтилганидек, тезкор эксперимент бу - ғайрихуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир сифатида баҳоланади⁵.

Киссавурлик ҳолатларини содир этувчи шахснинг жиноий қилмишига чек қўйилиши, маълум маънода ушбу жиноятга қарши курашиш ҳамда фош этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, киссавурликни фош этишда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан тезкор профилактик тадбирлар орқали амалга оширилиб, буларга: умумий, махсус, якка профилактик тадбирларнинг турларини мисол келтиришимиз мумкин.

Тезкор қидирув профилактикасининг умумий профилактикасида аҳоли гавжум жойларда киссавурлик ҳолатларини содир этиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича йиғилишлар тарғибот ва ташвиқот ишлари турли кўринишида амалга оширилиб, келгусида киссавурлик содир этилишини камайтириш, фуқароларни хушёрлигини ошириш энг асосий мақсад бўлиб хизмат қилади.

Тезкор қидирув профилактикасининг махсус профилактикасида киссавурлик ҳолатини содир этганлиги учун жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида махсус тадбирларни амалга ошириб, энг асосий мақсад уларни киссавурликни содир этиш фикридан қайтаришдан иборат бўлган тадбирдир⁶.

Тезкор қидирув профилактикасининг якка профилактикасида киссавурлик ҳолатини содир этиши мумкин бўлган шахслар билан якка тартибда турли усулларда тезкор профилактик таъсир чораларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимлари, кичик тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилган киссавурликни фош этиш мақсадида тезкор чоратадбирларни қуйидаги механизмларда амалга оширишлари лозим: биринчидан, фуқароларни айниқса, аёлларнинг жамоат жойларида, бозорларда, истироҳат боғларида ҳамда савдо масканларида юрганларида қўл сумкасини эҳтиёт чорасини кўришлари юзасидан аҳоли гавжум жойларида хизмат қилаётган Ички ишлар ва Миллий Гвардия ходимлари томонидан тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришлари, масалан, оғзаки тушунтириш ишлари олиб боришлари, эслатма ва буклетларни тарқатишлари, иккинчидан, киссавурлик ҳолати содир этилиши мумкин бўлган жойларнинг масъулияти чекланган жамиятнинг масъул ходимлари томонидан фуқароларнинг хушёрлигини ошириш мақсадида “Ҳурматли фуқаролар, қўл сумкангиз, бошқа мулкингизни эҳтиёт қилинг, киссавурлик ҳолатининг жабрланувчиси бўлиб

⁵ Рахимхўжаев, Р. (2021). Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши. *Юрист ахборотномаси*, 2(3), 71-76.

⁶ Ашуров, О., & Исмоилов, А. (2024). Экстремизм ва радикализм ғояларига қарши курашишда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мезонлари. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 3(7), 59-69.

қолманг, шундай ҳолатларни гувоҳи бўлсангиз, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ходимларига хабар беринг” мазмунидаги ўзбек ва рус тили матнидаги аудио-ёзувларни эшиттириш; учинчидан, ички ишлар органлари тезкор ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда киссавурлик жиноятлари юзасидан қизиқарли видероликларни тайёрлаш ва аҳоли эътиборига етказиш; тўртинчидан, киссавурлик ҳолатини содир этиш вақти, жойи, усулини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида мазкур қилмиш содир этилиши мумкин бўлган жойларда юқори аниқлик ва тиниқликка эга бўлган видеокузатув камераларини ўрнатиш лозимлиги уқтирилиши лозим⁷.

Киссавурлик ҳолатларини фош этиш ҳақида фикр юритилганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири сифатида “жиноятларни тез ва тўла очиш қонидаси белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур бир-бирига ўхшаш тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олишимиз мақсадга мувофиқдир.

Киссавурликни фош этиш деганда, жиноят содир этган шахснинг ва жиноят содир этишда иштирок этган шахснинг кимлигини (унинг қаердалигини) аниқлаш тушуниб, муайян бир жиноят бўйича айбдорларни фош этмоқ (изобличение виновных) назарда тутилади⁸.

Киссавурликка қарши курашиш деганда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолиятининг усуллари, элементлари, куч ва воситалари асосида тезкор-қизиқиш уйғотувчи ёки мазкур жиноятни содир этишда гумонланаётган шахсларга нисбатан соҳавий хизматлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишга айтилади.

Киссавурлик ҳолатларини иссиқ изида фош этишда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида қўйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш лозим: биринчидан, киссавурликни фош этишда ички ишлар органларининг тезкор ходимлари ва кичик тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилган вазиятлардан келиб чиқиб, тезкор чора-тадбирларни белгилашлари; иккинчидан, киссавурлик жиноятларига қарши курашиш билан бевосита шуғулланувчи кичик тезкор ходимларга дастлабки

ва кейинги тезкор-қидирув тадбирларини кетма-кетликда амалга оширилишини таъминлашда “Ички ишлар органлари ходимларининг киссавурликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш тартиби” бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходимлари йўриқномасини ишлаб чиқиш, ушбу йўриқномада ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, дастлабки, кейинги тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш тартибини белгилаш тартибини кўрсатиб ўтиш лозим⁹.

⁷ Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

⁸ Ашуров, О., & Тўйчиев, У. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришнинг истиқболлари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(4), 143-152.

⁹ Ашуров, О. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан фирибгарлик жиноятига қарши курашишда тезкор-қидирув тавсифининг илмий таҳлилини аҳамияти. *Журнал академических исследований нового Узбекистана*, 1(5), 184-191.

Киссавурлик ҳолатларини фош этишда жамоатчилик вакилларининг имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларнинг фидокорона хизматларини инобатга олган ҳолда моддий рағбатлантириш; киссавурликни фош этишда тезкор-техник восита (кичик ҳажмли камера, диктофон ва бошқа.) ларни қўллаш орқали киссавурлик жиноятларини содир этаётган шахсларни қилмишларини исботлаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг талабларига биноан далилларни тўплаш, текшириш

ва расмийлаштириш талаб этилади. Яна шуни айтиб ўтишимиз лозимки, киссавурлик жиноятларини иссиқ изида фош этишлик учун жамоат жойлари, бозорлар, савдо объектларига юқори аниқликда видеоназорат олиб борувчи видеокамераларни ўрнатиш ва шулар орқали киссавурлик жиноятларини содир этувчи шахсларни айнанлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир¹⁰.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, киссавурлик ҳолатини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини самарали амалга оширилиши натижасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплашдан иборат бўлган вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир¹¹. Шу сабабли, киссавурликларнинг содир этилишига барҳам бериш ҳамда фош этишга жалб этилган тезкор ходимлар маълум даражада амалий иш тажрибасига эга бўлишлари, иш жараёнида жиноят содир этилиши мумкин бўлган ёки содир этилган ҳодиса содир бўлган жойдаги шахслар билан психологик алоқа ўрната олишлари, улар билан ўтказиладиган суҳбатлар давомида уларнинг руҳий ҳолатига баҳо бера олишлари билан бирга, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда тезкор-қидирув тадбирларини фаол тарзда қўллаш олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rustam Nishonxo'jayevich Raximxo'jayev. (2021). Some aspects of quick-search activities. *Archive of Conferences*, 24(1), 38-39.
2. Рахимхўжаев, Р. (2021). Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши. *Юрист ахборотномаси*, 2(3), 71-76.
3. Ашуров, О., & Тўйчиев, У. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришнинг истиқболлари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(4), 143-152.
4. Nishonkhujayevich, R. R. (2023). Some aspects of the legal regulation of the conduct of

¹⁰ Ashurov, O. (2024). *Voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlikka qarshi kurashishning dolzarb ahamiyati. Akademicheskie issledovaniya v sovremennoy nauke*, 3(18), 27-32.

¹¹ Ашуров, О., & Усмонов, А. (2024). Кибержиноятлар, уларнинг жамият орасида кенг тарқалган турлари ва уларга қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари. *Академические исследования в современной науке*, 3(17), 89-93.

operational-search measures by the internal affairs bodies. Innuc, 2(2).

5. Рахимхўжаев, Р. (2021). Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши. Юрист ахборотномаси, 2(3), 71-76.

6. Ашуров, О., & Исмоилов, А. (2024). Экстремизм ва радикализм ғояларига қарши курашишда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мезонлари. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 3(7), 59-69.

7. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 61-69.

8. Ашуров, О., & Тўйчиев, У. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришнинг истиқболлари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(4), 143-152.

9. Ашуров, О. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан фирибгарлик жиноятига қарши курашишда тезкор-қидирув тавсифининг илмий таҳлилини аҳамияти. Журнал академических исследований нового Узбекистана, 1(5), 184-191.

10. Ashurov, O. (2024). Voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlikka qarshi kurashishning dolzarb ahamiyati. Академические исследования в современной науке, 3(18), 27-32.

11. Ашуров, О., & Усмонов, А. (2024). Кибержиноятлар, уларнинг жамият орасида кенг тарқалган турлари ва уларга қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари. Академические исследования в современной науке, 3(17), 89-93.

1.